

Xabar

49
(1003)-son

9-dekabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqq boshlagan

Инсон ОМИЛИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ
ҚАБУЛ ҚИЛИНГЕНИГА 19 ЙИЛ ТЎЛДИ

Мамлакатимиз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга асосланган кучли ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан дадил бормоқда. Муҳтарам Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ва тараққиётнинг "Ўзбек модели" деб эътироф этилган бу йўл жамиятимизнинг ҳуқуқий нормаларида ўз ифодасини топган. Шу маънода 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда миллий тараққиётимизнинг асосий йўналишларини белгилаб беришда мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида эришилган ва дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган оламшумул ютуқлар, энг аввало, изчил ривожланаётган барқарор иқтисодиётимиз туфайли аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб бораётгани Асосий қонунимиз нормаларининг ҳаётбахш самарасидир.

3-бет



Сўнги янгилик!



Алоқа оламида:

Германиянинг смарт-карталарга ихтисослашган Giesecke&Devrient компанияси янги кўринишдаги SIM-карталар — nano-SIM карталари ишлаб чиқаришини маълум қилди.

Янги карталар 12x9 миллиметр ўлчамда чиқарилади. Нано-карта илгарироқ чиқарилган micro-SIM карталарга қараганда 30 фоиз, одатий SIM-карталарга нисбатан 60 фоизга юқароқ.

Ушбу сонда:

Алоқачиларга юксак мукофотлар топширилди	2
Ҳуқуқ ва эркинлигимиз асоси	5
Новости в сфере ИКТ	6
Фахрийлар эъзозда	11
Мадҳиямиз — фахримиз	13

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Диққат, мамлакатимизда газета ва журналларга 2012 йил учун обуна давом этмоқда «Xabar» — сизнинг газетангиз. Обуна бўлишга шошилинг!



Jumadan Jumagacha

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси 2011 йилнинг 5-6 декабр кунлари бўлиб ўтди. Икки кун давом этган мажлисда 26та масала, шу жумладан, рўёбга чиқарилиши мамлакатда демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни чуқурлаштиришнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг, бандликни таъминлашнинг ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг, шунингдек, долзарб халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасининг ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришнинг муҳим омилли бўладиган 15та қонун кўриб чиқилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Жиззахда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарини ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда давлатимиз раҳбарининг мазкур асари жамиятимиз маънавий ҳаётида муҳим воқеа бўлгани, у истиқлолимиз тарихини ўрганишда юксак илмий-амалий аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Конституция ҳамда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда парламентнинг ўрни" мавзуда илмий-амалий конференция ўтказилди. Анжуманда Конституция жамиятимиз тараққиётида юксак аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Тошкентда 6 декабр кунини Ўзбекистон ва Словения ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг бир қатор компаниялари ва Словения ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

Францияда нашр қилинадиган "Les Echos" номли нуфузли иқтисодий газета саҳифасида журналист Лоран Леблоннинг "Ўзбекистоннинг мафтунок мени" сарлавхали мақоласи чоп этилди. Унда мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари ва улар бағрида жойлашган бетакрор осориётқалар ҳақида ҳикоя қилинади.

АЛОҚАЧИПАРГА ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ



Ҳар йили мустақиллик кунини арафасида элим деб, юртим деб яшаётган филоий инсонлар меҳнати ҳуқуқимиз томонидан муносиб тақдирланиши анъанага айланган. Бу йил ҳам шундай бўлди. Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан ҳамда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни амалга оширишдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра, ишлаб чиқаришнинг турли жабҳа-



ларида самарали фаолият юритаётганларнинг бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишди. Улар орасида алоқа ва ахборотлаштириш тизими вакиллари ҳам борлиги барчамизни мамнун этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Агентлик Бош директори Ҳақим Муҳитдинов "Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали директори Абдурашид Абдумўминов ҳамда "Uzinfocom" ком-



пютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази директорининг биринчи ўринбосари Иброҳим Жўраевга "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими" фахрий унвони — Давлат мукофотларини топширди.

Уларни юксак мукофот билан муборакбод этар экан, ўзларига мустақкам соғлиқ, ишларига ривож тилади.

Биз ҳам мукофот муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар, деймиз.

МУҲОКАМАДА ИШ ЮРИТИШ ҲУЖЖАТЛАРИ

2011 йил 1 декабр кунини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида амалий семинар бўлиб ўтди. Семинар кун тартибидан иш юритиш ҳужжатлари айланмаси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва ҳукумат қарорлари ҳамда қабул қилинган қарорлар ижроси назоратини ташкил этиш ишлари масалалари ўрин олди.

Тадбирда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзархив" агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, "Шарқ" НМАК, Республика интеллектуал мулк агентлиги, шунингдек, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва бўлимларидан вакиллар қатнашди.

Семинар давомида юқоридаги илора ва муассасаларда 2011 йилнинг 9 ойида ҳужжатлар билан ишлаш бўйича олиб борилган ишлар, ижро интизомини мустақкамлаш борасидаги камчиликларга барҳам бе-

риш бўйича қўрилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Шунингдек, вазирлик ва идораларда тайёрланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси бўйича бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Ҳужжатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, хусусан, келаётган ёзма хат-хабарларни рўйхатта олиш ва тўлиқ ҳисоботини юритиш, шунингдек, тегишли ижрочи ташкилотларга ҳужжатлар ва қабул қилинган қарорларни ўз вақтида етказиш юзасидан тавсиялар берилди.

Семинар иштирокчилари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ижроси мониторинги тизимини жорий этиш амалиёти билан танишишди. Таъкидлаш жоизки, семинарда Microsoft Share Point технологияси қўлланган иш юритиш жараёнларининг автоматлаштирилган тизими тақдироти ўтказилди.

Aci.uz

МИЛЛИЙ "ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ" ТАРМОҒИ ИШГА ТУШДИ

Ўзбекистон Миллий "Электрон таълим" тармоғи ишга тушди. Шу муносабат билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида лойиҳа ҳамкори — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги иштирокида матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2010 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда 2011 йилдаги долзарб вазифаларга бағишланган ҳукумат йиғилишидаги маърузасида ўқув жараёнига кенг қамроқлар ва интернет технологияларини жорий этиш мақсадида Миллий "Электрон таълим" тармоғини қўриб битказиш ҳамда 2011 йили ягона компютер тармоғига республика олий таълим муассасаларини, кейинги йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини улаш белгиланган эди.

Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда барча олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларини боғловчи оптик толали алоқа каналлари асосидаги ягона, юқори тезликдаги Миллий "Электрон таълим" тармоғи қўрилишини якунлади. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 2011 йили 80та олий таълим муассасаси (шу жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Истеъдод" жағфармаси, Эта марка) тармоққа уланди. 2012 йили эса маълумот узатиш тезлиги 1 Гбит/сонияни ташкил этувчи мазкур тармоққа 84та объектни улаш, ҳар бир олий ўқув юртида мультимедиа аудиториялар ташкил этиш режалаштирилган.

Матбуот анжумани видеоконференцапоқа кўринишида ўтказилиб, унда вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида жойлашган бир қатор олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

Видеоконференцияда "Электрон таълим" тармоғининг имкониятлари, видеотасвир, ҳужжатлар ва бошқа маълумотлар узатиш усуллари намойиш этилди.

Анжуманда "Электрон таълим" тармоғини йўлга қўйишдан мақсад ва унинг вазифалари тўғрисида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги биринчи ўринбосари М.Орифжонов йиғилганларга сўзлаб берди. Лойиҳанинг техник хусусиятлари ҳақида эса "Ўзбектелеком" АК бош директори биринчи ўринбосари Қ.Юлдашев маълумот берди.

Матбуот анжуманидан сўнг олий ўқув юртлари видеокўприк орқали ўзаро фикр алмашишди. Журналистларни қизиқтирган саволларга ЎзААА, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда олий ўқув юртлари мутасаддилари жавоб беришди.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

Инсон

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Конституциямизнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у нафақат миллий, балки умуминсоний қадриятларни ҳам ўзига мужассамлаштирган, халқ ҳокимиятчилиги гоёяси унинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Жумладан, "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъул-дирлар" дейилади 2-моддада.

Бош қонунимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига муҳим эътибор берилган. Ўзбекистон Республикасида демократиянинг умуминсоний принципларига асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши 13-моддада мустақамлаб кўйилган. "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир" — дейилади 24-моддада. Конституциямизнинг 25-моддаси чинакам инсонпарварлик руҳи билан суғорилган. Унга кўра "Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас".

Собиқ шўролар даврида содир этилган қонунбузилишлари ва турли қатағонларга чек қўйиш мақсадида, 26-моддада ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъзияққа дучор этилиши, ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмаслиги белгилаб кўйилган.

Ҳар бир фуқарога фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги берилиши, ҳар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНГА 19 ЙИЛ ТЎЛДИ

ОМИЛИ

ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эгаллиги, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган чеклашлар бундан мустасно эканлиги, фикр

дек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиши ва бунда пенсиялар, нафақалар миқдори расман белгилаб кўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги, ҳар бир

Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси II боб, 7-модда.



юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сирини ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкинлиги 29-моддада аксини топган.

Миллий давлатчилигимизни барпо этиш йўлида туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилган экан, шак-шубҳасиз, фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, Конституциянинг IX бобида ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақлиги, банкдаги омонатларнинг сир тутилиши ва мерос ҳуқуқининг қонун билан кафолатланиши, ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, билим олиш, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш, ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунинг-

инсоннинг даволаниши, тиббий хизматдан фойдаланиши, ҳар кимнинг билим олиш каби ҳуқуқлари мустақамлаб кўйилган.

Конституциямизнинг асосий жиҳатларидан яна бири шундаки, у фуқароларга зарур сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларни бериш билан бир қаторда, алоҳида бобда бу ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаб кўйган. "Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди", дейилади 43-моддада. Шунингдек, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний тагги-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаё-

қатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги 45-моддада белгилаб кўйилган.

Давлат ва шахс ўртасидаги муносабатлар тизими нафақат ўзаро ҳуқуқ ва эркинликларни, балки ўзаро бурчни ҳам назарда тутди. Ҳуқуқнинг ҳукмронлиги гоёяси фақатгина давлатга эмас, балки фуқароларга, уларнинг хатти-ҳаракатларига ҳам тааллуқлидир. Бу қондалар Конституциямизнинг 47 ва 48-моддаларида ўз аксини топган. Унда барча фуқаролар Конституцияда белгилаб кўйилган бурчларни бажаришлари, Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурликлари мустақамлаб кўйилган. Фуқаролар, шунингдек, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар. Ўзбекистон Республикасининг ҳимоя қилиш — ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, Конституциямизда инсон омилига жуда катта эътибор берилган бўлиб, асосий ҳуқуқ ва эркинликлар тўлақонли мустақамлаб кўйилган. Масалани муҳим жиҳати шундаки, Конституцияда белгилаб кўйилган қондаларга ҳар бир фуқаро, у раҳбарини, олдий инсонини, мансаби, касби, миллатидан қатъи назар риоя этиши, бирдек амал қилиши зарур. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан инсон ҳуқуқининг давлат ҳуқуқидан устуворлиги таъминланаётган айни замонда давлат органлари ва мансабдор шахслар ўзларининг жамият ва фуқаролар олдига масъул эканликларини теран ҳис этган ҳолда фаолият юритишлари зарур.

Зоҳиджон ВОҲИДОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ
Наманган филиали директори,
юридик фанлар номзоди

"Ягона ойна": Дастлабки натижалар

Замонавий ахборот технологияларини жорий этмасдан туриб ишлаб чиқаришни, тадбиркорликни, фан, таълим, тиббиёт ва, умуман, барча соҳаларни ривожлантириб бўлмайди. Буни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Қатор истикболли лойиҳаларнинг амалга оширилатганлиги боис Фарғона вилоятида ҳам алоқа инфратузилмаси яхшиланди.

Шаҳарлар ва туман марказларида рақамли телекоммуникация тармоғи даражаси юз фоизни ташкил этмоқда. Оптик толали алоқа линиялари ётқизилганлиги туфайли юқори тезликдаги рақамли каналлар очилди. Ташкил этилган инфратузилма симсиз технологияларнинг, жумладан, мобил алоқанинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда. Бу ютуқлар "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ҳаётга изчил татбиқ этиб келинаётганлиги шарофатидир.

Айниқса, энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақилликнинг 20 йиллиги арафасида "Ўзбектелеком" АК Фарғона филиалида Uzonline — "Ягона ойна" барча хизматларнинг савдо офиси очилгани соҳада олиб борилаётган эзгу ишларга ёрқин мисол бўла олади.

Хўш, ўтган қисқа вақт мобайнида "Ягона ойна" услубида фаолият юритаётган марказда қандай самараларга эришилди?

Аввало шуни таъкидлаш керакки, бу ерда яратиб кўйилган шарт-шароитлар келувчиларга жуда мақбул бўлмоқда. Ёруғлик ва шинамликка нима етсин! Илиқ-иссиқ, ёқимли му-

ҳит одамларни ўзига жалб этиши табиий, албатта. Телефон алоқаси, интернет, СДМА стандартидаги ва мобил алоқа хизматлари тақдим этилмоқда. Хизматлар сифати юксалганлиги сабабли интернетдан фойдаланувчилар сони 5200 нафардан ортди. 2500дан кўпроқ "ЎзМобайл" стационар телефонлари ва 600та Set-top-box қурилмалари сотилди ва ушбу тўнларга буюртмалар тушмоқда. Uzonline кенг миқёсли лойиҳаси бўйича кенг полосали улашиш таъминланаётгани ҳам абонентлар сонининг кўпайишига олиб келди. Абонент бу ерда ўзи мустақил равишда тариф режасини танламоқда. Унга ҳар бир тарифнинг мазмунини, ўзига хос жиҳатларини, бошқа тарифлардан фарқларини, томонларнинг ҳуқуқ ва бурчларини хушмуомалалик билан тушунтираётган навқирон йигит ва қизларга қараб мароқланасиз. Улар бутун билим ва салоҳиятларини ҳалол ва виждонан ишлашга, "Ўзтелеком" савдо бренди обрў-нуфузини тобора ошириб боришга қаратмоқдалар.

Абонентлар билан бўлган суҳбатлар ҳам шу хулосани тасдиқлади.

Жумладан, олтириқлик абонент Абдуқаҳорхожи Муҳаммадбоқижон ўғли ўз мамнуниятини шундай баён этди:

— Ҳа, ҳар бир кишининг ўз алоқа компанияси бор. Менинг бирор бир компанияга эътирозим йўқ. Лекин менга фақатгина "ЎзМобайл" маъқул. Адашмасам 2007 йилнинг ўрталари эди. Биринчилардан бўлиб "ЎзМобайл" уяли алоқа телефонини қўлга олганман. Шундан буён алоқа муаммоси нима — билмайман. "Хизмат доираси..." деган хитобни бирон марта ҳам эшитмадим. Қор-ёмғир деймайди, шамол-довул деймайди — ишлайверади! Хизматлари жуда арзон ва қулай. Стационаридан ҳам олиб хонадонга кўйганман. Оиламиздагиларга ниҳоятда ёқди. Бўлмасам-чи, исталган жойга кўйиш мумкин. Симсиз. Бежиримгина. Ўзингиз билан олиб юрсангиз ҳам бўлаверади. Хуллас, қўл телефонидан барча қулайликлар бор. FM радиоларини эшитишни хуш кўрадиганларга, марҳамат, еттига каналдан хоҳлаганини тинглашининг имконияти ҳам мавжуд. "ЎзМобайл" номини айтинг. Номини ҳам юрагимга жуда яқин Ўзбекмобайл — ўз-ўзимизники!

Демак, янги лойиҳаларнинг ижроси янги-янги муваффақиятларга йўл очмоқда. Бугунги кун ишларининг суръатини пасайтирмай, ёш кадрларнинг гайрат-шижоатини янада ошириш муҳим вазифалардан бўлиб турибди.

Ҳафиза САЛҲОВА,
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги муҳбири

Xalqaro haqot



66 ЁШГАЧА ИШЛАЙВЕРИНГ

Италияликлар пенсияга 60 эмас, 66 ёшдан чиқадиган бўлиши. Мамлакат ҳукумати шу қарорга келган.

Ниҳоят, Италия бош вазири Марио Монти парламентда қилган чиқишида истиқболдаги инқирозга қарши чоралар ҳақида батафсил сўз юритди. Пенсия ислоҳотларидан ташқари, мамлакат аҳолисини келаси йилдан мол-мулк ва дабдабали буюмлар, масалан, яхталар учун янги солиқлар кутмоқда. Вазирлар маҳкамаси раҳбари ушбу қатъий чоралар нафақат италян иқтисодиётига ёрдам беришига, балки евронинг мустақамлашига умид қилмоқда. Фақатгина Италиянинг йирик касабаси уюшмалари янги кўринишдаги норозилик намойишлари билан жавоб қайтаришини айтишмоқда.

БМТ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ НИШОНДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилати маълумотлар базаси хакерлар ҳужумига учраган.

BBC News хабарига айтилишича, ҳужум натижасида юз нафар ходим иш компютеридан фойдалана олмай қолган. Аниқланишича, бу ҳужум The Team Poison хакерлар гуруҳи томонидан амалга оширилган. Улар бунга ҳам кўплаб мамлакатлар ҳукумат порталлари ва ҳарбий тизимлари оид маълумотлар базасини бузиб киришга муваффақ бўлган.

Хакерлар қилмиши туфайли биргина 2010 йилда компютердан фойдаланувчилар 114 миллиард доллар миқдорига зарар кўрган. Чунки антивирусларни тез-тез янгилаб туриш анчагина маблағ талаб қилади.

Таиланд: БЕШ МИЛЛИОН КИШИ БОШПАНАСИЗ

"ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, сурункали ёққан ёмғир сабаб Таиландда юз берган сув тошқинларида қурбон бўлганлар сони 661 нафарга етган, уч киши бедарак йўқолган.

Табиий офат натижасида мамлакат маркази ва 14та музофот жиддий зарар кўрган. Мазкур ҳудудларда кўплаб тураржой биноларини сув босган, қарийб беш миллион киши бошпанасиз қолган. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, давлат иқтисодиётига 43 миллиард АҚШ доллари миқдорига зиён етган.

БРИТАНИЯЛИК БОЛАЛАР КИТОБ ЎҚИШМАЙДИМИ?

Британияда ҳар учинчи ўсмирда бирорта ҳам китоб йўқ экан.


Саккиз ёшдан 16 ёшгача бўлган 18 минг атрофидаги болалар ва ўсмирлар ўртасида сўров ўтказган Саводхонлик миллий фонди ушбу тўхтамга келган. Сўралганларнинг 33,2 фоизи яқини умуман китобга эга эмас. Тадқиқотлар натижалари асосида Фонд британиялик болаларнинг 3,8 миллионига шахсий китоб йўқлигини тахмин қилмоқда. Ушбу Фонд сўнгги марта 2004 йилда шундай сўровнома ўтказган эди. Ушунда саккиз минг ёш респондентлар иштирок этиб, уларнинг ҳар ўн нафаридан фақатгина бир нафари ўз китобига эга эканлиги аниқланганлиги.

ҚОБУЛДА ХУНРЕЗЛИК

Афғонистон пойтахти Қобулда содир бўлган портлаш натижасида камида ўттиз киши қурбон бўлди. Террорчи-камикадзе пойтахтдаги шиалар зиёратгоҳларидан бирида ўзини портлатиб юборган.

Жорий йилнинг 2 декабрида ҳам Қобул жанубидаги НАТО базаси яқинида кучли портлаш юз берган ва 70 киши жароҳатланган эди. Ушунда ҳам ўзини қурбон қилувчи террорчи юк машинасига ўрнатилган портлаш мосламасини ишга туширганди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди



тимиз тарихида муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг Навоий Давлат педагогика институтининг "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди Хуршид Курбонов Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобининг мазмун ва моҳияти хусусида маъруза қилди. Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон истиқлолга эришиш учун босиб ўтган

ТАҚДИМОТ

Абдулла Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона марказида алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги корхона ва ташкилотлар масъул ходимлари иштирокида ўтказилган тақдимот маросими Юртбошимиз Ислон Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли китобига бағишланди.

Тақдимот маросимини бошқарган ЎзААА вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Худойқул Искандаров мазкур асарнинг мамлакатимиз тарихида муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг Навоий Давлат педагогика институтининг "Ўзбекистон тарихи" кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди Хуршид Курбонов Президентимизнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобининг мазмун ва моҳияти хусусида маъруза қилди. Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон истиқлолга эришиш учун босиб ўтган

мураккаб давр ҳақида батафсил маълумотлар билан танишдилар.

Дарҳақиқат, миллий қадриятларимизни йўққа чиқариш, ўзлгимизга дахл қилиш учун амалга оширилган сиёсат ажлодларимиз кўнглида ўчмас доғ бўлиб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Китобдан жой олган пахта яккаҳоқимлиги, "ўзбеклар иши" тўғрисидаги бўлимларни ўқувчи ҳаяжонланмасдан, шунчаки варақлаб ўтолмайди.

Мазкур китобни ўқиган ҳар бир киши мустақиллик ўз-ўзидан осонликка келмаганлигини юракдан ҳис этади.

Маруся ҲОСИЛОВА,

"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

НОЁБ ТАРИХИЙ МАНБА

Хоразм вилоят ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси, вилоят АКМ, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилояти кенгаши ва Урганч Давлат университети ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш,

унинг мустақилликни қадрлаш, асраб-авайлаш, мустақамлаш ва ўзликни англашга даъват этувчи тарихий манба сифатидаги аҳамиятини кенг тарғиб этишга бағишланган амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда вилоят АКМ китобхоналари, ЎзХДП фаоллари, вилоятдаги алоқа корхона ва ташкилотлари раҳбарлари, муҳандислари ҳамда Урганч шаҳрида жойлашган олий ўқув юрт-

лари талабалари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Амалий конференцияда "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китобини соҳа ходимлари ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Элмира ХАМИДУЛЛИНА,

Хоразм вилоят АКМ

директори ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ OLDIDAN

ҲАРБИЙЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да ҳарбий қисм ташкил этилганлигининг 51 йиллиги ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллиги муносабати билан тантанали маросим ўтказилди.



Тадбир муносабати билан бошқармага Тошкент ахборот технологиялари университетининг Махсус факултети курсантлари, ахборот технологиялари факултетининг 2-босқич 230-гуруҳ талабалари ҳамда пойтахтнинг Яккасарой туманидаги 48-ҳарбий спорт синфи тарбияланувчилари таклиф этилди. Улар ҳарбий қисмда офицер ва аскарлар учун яратилган шароитлар, авария-тиклаш вазиятларида қўлланиладиган транспорт ва алоқа воситалари билан яқиндан таниш-

тирилди, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Мажлислар залида ўтган маросимда сўз мамлакатимиз Конституцияси, ҳарбий қисмнинг ярим асрдан зиёдроқ тарихи ва бугуни, халқимиз тинчлиги, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мустақиллигимизни кўз қорачи-нидек асраб-авайлаш ҳақида борди. Бошқарма бошлиғи, полковник Ю.Собиров йиғилганларни шонли саналар билан қутлади. Шундан сўнг бошқарма тарбия-

вий ишлар бўлими бошлиғи Ш.Қурайшев, 48-ҳарбий спорт синфи раҳбари Ф.Нуриев, қатор курсант ва аскарлар сўзга чиқшди.

Байрам муносабати билан бир қатор ҳарбийларга навбатдаги ҳарбий унвонлар тақдим этилди, намунали хизматлари учун эса аскарларга фахрий ёрликлар, тадбир меҳмонларига эсдалик совғалари топширилди.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

КОНСТИТУЦИЯ — ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАХКАМ ПОЙДЕВОРИ

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фаргона филиалида Конституциямиз қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда шу филиал ҳамда "Ўзбектелеком" АК Фаргона филиали ва вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўба корхонаси жамоаларининг вакиллари қатнашдилар.



Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган "Конституция — ҳуқуқий давлат куришининг асоси" мавзусида беллашув ўтказилди.

Тадбирда шаҳардаги Ахборот технологиялари коллежининг 1-босқич ўқувчилари Шаҳноза Мирзакаримова сардорлигидаги "Адолат" ҳамда Дилором Билолинова сардорлигидаги "Фидокор" гуруҳлари ўзаро беллашди.

Гуруҳларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унинг тарихига оид саволлар билан мурожаат этилди. Беллашувда ҳуқуқий билимлари рақиб гуруҳдан бир оз бўлса-да юқорироқ бўлган "Адолат" гуруҳи аъзолари ғолиб деб топилди.

Тадбирда "Ўзбекино" миллий агентлиги Андижон вилоят бўлими бошлиғи Абдуғулом Абдуллаев сўзга чиқиб, иштирокчиларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги билан муборакбод этди ва жамият ривожланишида ёшларнинг олдида турган муҳим вазифалар, бурч ва эркинликлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Тадбир сўнгида экспертлар гуруҳи раиси, ахборот-кутубхона маркази директори Г.Исмоилова беллашув ғолибларини табриклаб, эсдалик совғаларини топширди.

Тадбирдан сўнг ўқувчилар учун "Ўзбекино" миллий агентлиги Андижон вилоят бўлими томонидан "Ўзбекистон мустақиллик арасида ёхуд шўролар талвасаси" ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Худди шундай беллашув Андижон гарнизони тасарруфидаги 33171-ҳарбий қисмда ҳам ўтказилди. Унда ҳарбий қисмнинг баталион ва взводларида ўз аскарлик бурчини ўтаётган "Қалқон", "Адолат", "Демократ", "Юристар"дан иборат ўртта жамоадан жами 20 нафар аскар ўзаро беллашди.

Аскарларнинг беллашувга аъло даражада тайёргарлик кўрганликлари тадбир давомида яққол кўзга ташланди.

Беллашув давомида йигилган баллар бўйича "Юристар" жамоаси ғолиб деб топилди.

Ғолиб жамоа ҳарбий қисмнинг фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**Н.ҚИЛИЧЕВА,
Н.ЙҮЛДОШЕВА,**

Андижон вилояти АКМ кутубхоначилари

Тадбирни очган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Фаргона вилоят худудий бошқармаси бошлиғи Музаффар Носиров Конституциямизни беназир ҳуқуқий қадрият сифатида ўқиб-ўрганиш, мазмун-моҳиятини тушуниш, амалий фаолиятга унга оғишмай амал қилиш, ҳуқуқлардан самарали фойдаланиш ва бурчларни виждонан бажариш тўғрисида фикр юритди.

Мамлакатимиз Конституциясининг бош мақсади инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик, инсонпарвар демократик, ҳуқуқий давлат барпо этишдир. Бу эзгу мақсад мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, барча жабҳаларни демократик янгилаш, босқичма-босқич, изчил ислоҳ қилиш натижасида амалга оширилмоқда. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ халқимизнинг яратувчилик салоҳиятини рўйбга чиқариш учун кенг ҳуқуқий йўллар очилди. Қонуний асосда тадбиркорлик билан шуғулланиб, мулкка эга бўлиш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Муҳим ҳужжат барқарор бозор иқтисодига асосланган демократик дав-

лат, фаровон жамият учун пойдевор вазифасини ўтамоқда. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, "Конституциямиз давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир".

Бу ҳақда ТАТУ Фаргона филиали "Ижтимоий фанлар" кафедраси доценти Неъмат Усмоновнинг маърузаси тингланди.

Тадбир қатнашчилари мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси юзасидан амалга оширилаётган ишлар, фуқаролар фаоллигини оширишнинг аҳамияти, қонунларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақидаги қатор саволларига жавоб олдилар.

Ҳ.АСҚАРОВА

Адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилоят ахборот-кутубхона марказида ҳам Конституция қабул қилинган кунга бағишланган "Ўзбекистон Конституцияси — демократик тараққиётнинг мустахкам пойдевори" мавзуида китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбир вилоят ёзувчилар уюшмаси, адлия бошқармаси, Термиз мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш коллежи билан ҳамкорликда ўтказилди. Анжуманда сўзга чиққанлар Конституциямиз мазмун-моҳияти, унда фуқароларнинг

асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, ҳаёти, қадр-қиммати юқори даражада мустахкамлаб қўйилганлиги хусусида батафсил сўз юритишди.

Шунингдек, ахборот-кутубхона маркази кутубхоначилари томонидан "Мустақиллик — бахтимиз ва гуруримиз қомуси", "Қонунга ҳурмат, қонунга итоат ҳаётимиз мезони бўлсин" номли китоб кўргазмаси ташкил қилинди. Кўргазмадан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Юртбошимизнинг асарлари, Конституцияга бағишланган нашрлар

ўрин олган. "Сиз Конституцияни биласизми?" мавзуида суҳбатлар ҳам ўтказилди. Суҳбатларда Термиз Давлат университети ва Термиз ахборот технологиялари касб-хунар коллежи талабалари фаол иштирок этишди. Ахборот-библиография бўлими томонидан кўргазмага қўйилган нашрларнинг библиографик шарҳи берилди.

**Меҳринисо МАМАТҚУЛОВА,
Сурхондарё вилояти АКМ
директори ўринбосари**

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИГИМИЗ АСОСИ

Бош қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча ҳуқуқ ва эркинлигимиз асоси ўзининг мустахкам ифодасини топган. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида узлуксиз ишлар амалга ошириляпти. Бунда асосий эътибор аҳоли ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилмоқда. Бу вазифаларни амалга ошириш эса инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича давлат муассасалари зиммасига катта масъулият юклайди.

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш демократик ислохотларнинг бош йўналишидир. Шу боис ҳам республикамизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимоясини кучайтириш борасида миллий институтлар тизими яратилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ана шу тизим доирасида улан ишларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Марказ болалар ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда одам савдосига қарши курашишга оид миллий дастурларни бажаришда ҳам фаоллик кўрсатяпти. Шунингдек, марказ инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари юзасидан халқаро миқёсда кенг қўламли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. БМТнинг Тараққиёт

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.
Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, II боб, 13-модда.



дастури, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, ЕХХТ ва бошқа бир қатор халқаро ҳамкорлар билан биргаликда 120дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар давлат тилига таржима қилиниб нашр этилди. Шунингдек, ўтган йиллар мобайнида 2000 турдан ортиқ босма адабиётлар нашр этилди ҳамда мингдан ортиқ маърифий тадбирлар ўтказилди. Булар юртдошларимизнинг, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Уларни қонунчиликдан хабардор қилиш, ўз ҳуқуқларини яхши билишлари учун турли ҳуқуқий адабиётлар нашр қилиняпти, маърифий тадбирлар, қўрик-танловлар ўтказилмоқда. Шунингдек, ёшларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишга, ўз салоҳиятларини намоён

қилишлари учун шарт-шароитлар яратишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам ўрни беқиёсдир. Бу борада "Қамолот" республика ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Қамалак" болалар ташкилоти, "Соғлом авлод", "Меҳр нури", "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармалари, "Янги авлод", "Келажак овози" каби нодавлат нотижорат ташкилотлари салмоқли ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, "Кучли давлатдан — кучли жамият сари" концептуал ғояси ижросини таъминлашга хизмат қилаётган мазкур нодавлат нотижорат ташкилотларининг ёшлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги эзгу ишлари эътирофга лойиқ. Мазкур ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ёшларимизнинг нафақат ўз иқтидорларини намоён қилишга, балки уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишига, юксак тафаккурли баркамол шахс сифатида шаклланишларига ҳам хизмат қилаётди. Кучли фуқаролик жамияти куриш жараёнларини янада тезлаштиришда бунинг аҳамияти беқиёсдир.

**Шаҳло КҮЧИМОВА,
Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани
1-давлат нотариал идораси нотариуси**

Советы по созданию световой студии

(Продолжение. Начало в №48.)

Создание световой студии.

а. Выбор и расположение рисующего света.

Так как основной задачей рисующего света является моделирование солнца, то для его создания, как правило, используют жесткий свет (прожектора). В некоторых случаях может использоваться мягкий свет (люминесцентный), но в таком случае обязательно нужно использовать растровые решетки для углового ограничения светового пучка. Рисующий свет дает основную часть освещенности непосредственно на объектах съемки и создает глубину изображения за счет тени. Его обычно помещают перед объектом под углом 30-60° вбок и 45-60° вверх от фронтального направления. Смещение вбок вызвано требованием создать иллюзию глубины изображения (при освещении с фронтального направления картинка была бы "плоской"). Смещение вверх обычно обусловлено необходимостью скрыть из поля зрения резкие тени позиди объекта (хотя для решения некоторых творческих задач может, наоборот, потребоваться использование теней в качестве выразительного средства и положение рисующего света следует выбрать по-другому). Ширина пучка каждого источника рисующего света выбирается в зависимости от того, какие объекты должен осветить источник и от того, какие паразитные засветки он может создать. Расстояние от рисующего светильника до объекта определяется искомой освещенностью объекта, мощностью прожектора, выбранной шириной пучка и использованием светофильтров.

Если используется несколько камер, лучше производить настройку для каждой камеры по крупному плану. Если в кадре будет несколько объектов, на каждый из них следует направить свой рисующий светильник, при этом с помощью шторок следует добиться, чтобы от него

не было засветки на другие объекты. Если же это невозможно, нужно сделать так, чтобы на все объекты рисующий свет падал параллельно. Обычно желательно иметь возможность управления яркостью рисующих светильников.

Уровень освещенности, создаваемый рисующим светом должен находиться в диапазоне 30-50% от общей заданной освещенности сцены.

б. Выбор и расположение заливающего света.

Заливающий свет обычно устанавливается после рисующего. Основные задачи заливающего света — сгладить неэстетичные резкие тени, образовавшиеся от рисующего света и обеспечить равномерное освещение области съемки для получения сбалансированных общих планов. В идеале заливающий свет не должен давать своих теней, поэтому основное требование к нему — максимальная мягкость света. В качестве заливающего света рекомендуется использовать люминесцентные светильники (галогенные прожектора, в случае использования их в качестве заливающего света, лучше использовать с софтбоксом). Вместе с тем, следует избегать паразитных засветок, которые могут попадать на задний фон или в камеру (в случае работы с люминесцентным светом следует применять растровые решетки, а при работе с галогенным светильником и софтбоксом эта проблема может оказаться неразрешимой). Очень важно обращать внимание на то, чтобы уровень освещенности по всей области съемки был примерно одинаковым или, если менялся, то равномерно.

Заливающие светильники обычно располагают перед объектом под углом 45-90° вверх от фронтального направления либо прямо перед объектом, либо так, чтобы заливающий свет падал под углом примерно 90° относительно рисующего света. Расстояние от заливающих светильников до объекта определяется искомой освещенностью объекта,

мощностью светильников, степенью перекрытия их световых пятен и использованием светофильтров. Не рекомендуется располагать заливающий свет за объектом съемки.

Уровень освещенности, создаваемый рисующим светом должен находиться в диапазоне 70-80% от общей заданной освещенности сцены.

с. Выбор и расположение контрового света.

Контрольный свет предназначен для визуального отделения снимаемых объектов от фона и должен для этого создавать уровень освещенности в 1,5-2 раза больше чем освещенность области съемки и освещенность фона. Чаще всего в качестве контрольного используется жесткий свет (обычно прожектора со шторками для тщательного контроля светового пучка). Если объект съемки — человек, то контрольный свет может подчеркнуть фактуру волос и одежды.

Контрольный свет располагается позади объекта съемки. Если съемка производится одной — двумя неподвижными камерами, то можно поместить контрольный свет непосредственно за объектом на той же высоте и даже ниже. Такое расположение дает особенно отчетливый эффект в виде легкого ореола по периметру объекта. Но, в связи со спецификой расположения контрольного света, наиболее важная задача при его установке — не допустить встречной засветки в работающую камеру. Поэтому, в случае, когда возможно движение камер, либо объектов съемки, необходимо размещать контрольный свет под углом 30-60° вбок и 45-60° вверх или 30-60° вниз от направления съемки. Причем эти условия следует соблюдать для каждого светильника контрольного света относительно каждой камеры. Также необходимо следить, чтобы резкие тени от контрольного света не попадали в область съемки. Расстояние от светильника контрольного света до объекта обычно определяется глубиной пространства за объектом.

Если в кадре будет несколько объектов, на каждый из них следует направить свой светильник контрольного света, при этом с помощью шторок следует добиться, чтобы от него не было засветки на другие объекты. Уровень освещенности, создаваемый контрольным светом должен находиться в диапазоне 150-200% от общей заданной освещенности сцены.

д. Выбор и расположение фонового света.

Фоновый свет устанавливается либо в последнюю, либо в первую очередь. Используется для подсветки заднего плана. Если при установке рисующего и заливающего света не допущено засветки фона, при помощи фонового света можно добиться выразительного художественного эффекта.

Обычно желательно иметь возможность управления яркостью фоновых светильников и возможность использования с ними эффективных светофильтров.

Фоновый свет обычно располагают за объектом либо сверху на подвесах, либо внизу на малых штативах и направляют на фон. Количество, расположение светильников и расстановка до фона подбирают таким образом, чтобы добиться искомой освещенности фона с учетом мощности светильников, степени перекрытия их световых пятен и использования светофильтров.

Уровень освещенности, создаваемый фоновым светом варьируется наиболее сильно. В случае использования хромакея он должен находиться в диапазоне 30-70% от общей заданной освещенности сцены и зависит от цвета фона. В случае же декоративного фона этот уровень определяется лишь стоящим перед художником по свету творческой задачей.

Ботир НИЯЗОВ,
заведующий кафедрой
"Студии и оборудования,
телевидения и радиовещания" ТУИТ



КОРОТКО...

Компания IHS iSuppli прогнозирует, что до 2016 года мировые продажи интернет-планшетов превысят продажи ноутбуков. Новую категорию портативных вычислительных устройств, как ультрабуки будет приходиться около 12% поставок всех мобильных компьютерных устройств или 29 млн. штук в год.

Продажи как планшетов, так и ультрабуков будут расти до 2015 года и к концу этого периода на их долю придется 42% поставок всей мобильной электроники или 136 млн. единиц продукции.

Согласно обнародованным данным Ассоциации производителей полупроводников, в 2011 году мировые продажи полупроводниковой продукции должны достичь 302 млрд. долларов, что на 1,3% больше уровня 2010 года и является абсолютным рекордом продаж за все время мониторинга.

В 2011 году рост продаж полупроводников был обеспечен в основном за счет продаж мобильной электроники и встраиваемых решений. Также неплохую динамику показали устройства из промышленной сферы.

Немецкий производитель программного обеспечения для автоматизации бизнеса SAP AG сегодня объявил о приобретении за 3,4 млрд. долларов наличными компании SuccessFactors, выпускающей программное обеспечение для автоматизации процессов управления персоналом. Продукты купленной компании предназначены для работы в среде вычислительного облака и получив данный актив, SAP сможет успешно конкурировать с Oracle, предлагающей программное обеспечение PeopleSoft для управления персоналом.

В конце декабря или начале января будущего года Европейский союз намерен рассмотреть предложения, согласно которым представители европейского бизнеса, нарушающие правила работы с персональными данными клиентов и собственных сотрудников, могут быть оштрафованы на сумму, составляющую до 5% от годового оборота компании.

Авторы новых предложений говорят, что проект предусматривает штрафы и ответственность не только компаний за передачу клиентской информации, но и ответственность компаний за разглашение данных о своих сотрудниках, партнерах и контрагентах.

БЕЗЛИМИТНЫЙ ДОСТУП К СОЦИАЛЬНЫМ СЕТЯМ ТЕПЕРЬ В ДВА РАЗА ДЕШЕВЛЕ

Крупнейший оператор сотовой связи Узбекистана "МТС-Узбекистан" сообщает о 50% снижении стоимости в сервисе "Unlim mobile".

С 1 декабря 2011 года компания "МТС-Узбекистан" на 50% снизила стоимость активации, а также ежедневную абонентскую плату за использование сервиса "Unlim mobile". Теперь активные участники популярных социальных сетей могут подключить сервис "Unlim mobile" всего за \$0,05 и получить неограниченный доступ к облегченным мобильным версиям социальных сетей, при этом абонентская плата будет составлять всего \$0,05 в день (для абонентов off-line системы \$1,5 в месяц).

Подключив данный сервис, абоненты компании смогут посещать сайты:

- wap.odnoklassniki.ru, m.odnoklassniki.ru;
- pda.vkontakte.ru, m.vkontakte.ru, wap.vkontakte.ru;
- m.facebook.com;
- m.my.mail.ru, tel.my.mail.ru, wap.my.mail.ru;
- m.sinfosh.uz и wap.sinfosh.uz.

"С каждым днем среди наших абонентов растет популярность Интернет-сообществ, и мы надеемся, что наша инициатива по снижению цен на дополнительную услугу, которая позволяет иметь неограниченный доступ к облегченным мобильным версиям популярных социальных сетей, будет востребована среди пользователей данной услуги", — отметил заместитель генерального директора по коммерции ИП "Уздунробита" Нуриддин Шадманов.

Хабар + tv


ДУШАНБА — 12 ДЕКАБР




5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
7.05 "Одам ва одам" дастури: Табиат муржадилари.
7.20 "Икким".
7.25 "Сўнгини қирғинча", Т/с.
8.00 "Паспеллома".
8.45 - 9.30 "Мазнавият" дастури.
9.30 "Кўрсатувлар саргушашлари", М/с.
9.30 ТелеТеатр: "Қаллоблар", 1-қисм.
10.30 "Қорчиқ".
10.45 "Саломатлик сирлари", 11.00 "Абзор".
11.15 "Салавотин ижодлар", Т/с.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.30 "Кўнлик қўнлик истаий".
12.45 "Икким".
13.00 "Хат қўнлик", Т/с.
"Бошлар сайераси".
13.35 "Филли ва унинг дўстлари", М/с.
14.00 "Абзор".
14.20 "Ватанпарвар".
15.00 "Икким".
15.05 "Одам ва одам" дастури: "Уемликлар ҳаёти".
15.55 "Мен ёшганим".
16.40 "Икки даре орлинди".
17.00 "Абзор".
17.15 "Сўнгини қирғинча", Т/с.
17.50 "Икким".
18.00 "Кўнлик қўнлик истаий".
"Бошлар сайераси".
18.05 "Эрталаб - яхшишюка етказар".
18.25 "Икким".
18.30 "Ватан мағзиллари".
18.45 Миллий сериал: "Умр манзиллари".
19.20 "18 - шифокор".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Абзор" /рус/.
20.10 "Отин мерос".
20.20 Миллий сериал: "Ота - синдилар" (Премьера)
21.00 "Абзор".
21.45 "Истиқлол солимола".
22.45 "Ҳақиқат сабои". Т/с.
22.40 "Икким".
22.45 "Салавотин ижодлар", Т/с.
23.30 "Одам ва одам" дастури: Табиат муржадилари.
23.45 - 23.55 "Отун".
23.55 Кўрсатувлар дастури.
00.10 "Ватан мағзиллари".
00.15 ТелеТеатр: "Қаллоблар", 1-қисм.
00.55 Кўнлик қўнлик истаий".
1.00 "Абзор" /рус/.
1.35 - 2.35 "Мазнавият" дастури.
2.35 "Қамолот остонаси".
2.55 "Отин мерос".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон".
4.00 "Абзор".
4.40 Миллий сериал: "Ота - синдилар".
5.15 "Саломатлик сирлари".
5.30 "Икки даре орлинди".
5.50 - 5.55 "Отун".




16.40 "Винни Пука", М/с.
17.00 "Муҳаббат ошно қаблар", Б/ф.
18.30 "Қўшлар", Х/ф. 1-қисм.
18.50 "ЎзБЕХ".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин", Т/с.
20.20 "Ёшлик навоилари".
20.40 "Давр мавзуси".
21.00 "Истиқлол қалқони".
21.10 "Қирол ва қанзақ", Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Доктор Қуни", Т/с.
23.20 "Ўшак ашайиш".
23.40 "Ёшлик навоилари".
00.00 "Ватан меҳри".
00.10 "Морена Клар", Т/с.
1.00 "Мўзғавийан дунё".
1.50 "Отин турпоқ".
2.00-6.00 Профилактика.



6.00 Кўрсатувлар тартиби.
6.05 "Пойтахт йўллари".
6.30 Миллий сериал: "Умр сўқмақдари". 34-қисм.
7.00 "Мулоқоз учун мавзу".
7.30 "Салом, Тошкент".
8.30 Тошкент тароналари.
8.40 "Уларим".
8.45 "Икки тақдир", Т/с. 65-қисм.
9.10 "Интервью".
9.20 "Интеллектуал аукцион".
9.30 "Пойтахт".
9.40 Ўзбекистон Республикаси қурол қўраётганин 20 йиллиги олдидан "Мулоқоз Вазирати ҳарбий сарфери юқро эълан".
10.05 "Йорат".
10.30 "Пойтахт" /рус/.
10.45 "Икки кишилик воқеа", Б/ф.
13.00 "Салом, Тошкент".
14.00 "Дунё", теледастур.
"Пойтахт".
15.15 "Икки тақдир", Т/с. 66-қисм.
15.40 "Митинглар оиласи".
16.00 Тошкент тароналари.
16.10 "Моҳит".
16.25 "Эко-пойтахт".
16.35 "Ҳимоя".
16.50 "Салом бўлинг".
17.05 "Балор-2", М/ф. 1-қисм.
17.45 "Қасбим-фотир".
18.00 "Пойтахт".
18.25 "Эълан".
18.40 "Бизнес-пойтахт".
18.45 "Интеллектуал аукцион".
19.00 Миллий сериал: "Умр сўқмақдари". 35-қисм.
19.30 Тошкент тароналари.
19.40 "Телекўрар-мерос".
19.50 "Уялғим".
20.00 "Пойтахт".
20.30 "Шаҳсаннинг қўнлиги", Т/с.
21.00 Тошкент тароналари.
21.10 "Телекўрар-мерос".
21.20 "Уялғим".
21.30 "Пойтахт" /рус/.
21.50 "Интервью".
22.05 "Кино SMS со звёздами".
22.10 "Семейна Давносонов", Х/ф.
23.45 "Эко-пойтахт" /рус/.
00.00 "Кўрсатув тартиби".
00.05 "Шаҳсанлик ребенок", Х/ф.
1.45 "Все тайны космоса", Д/ф.



12.30 Тоғ Чанги спорти.
13.00 Радамлар, натижалар, рейтинглар.
13.05 Болалар майдончаси: "Спортландия". Мультифильм.
13.35 "Ринг қирқоқлари".
14.40 Суниш. Европа чемпионати.
16.15 Интерфутбол.
18.00 Болалар майдончаси: "Спортландия". Мультифильм.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 Саломатлик хазинаси.
18.55 "Барсамат аёллар".
19.15 Вольебол. Жаҳон кубоги.
20.15 "Спорт - маркет".
20.25 Футбол. Туран турғачи.
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 Саломатлик хазинаси.
21.55 Интерфутбол.
23.35 Сешанба дастури анонси.
23.45 Кўн жинги. Халқаро турир.
00.30 Хабарлар.
00.55 Футбол. Англия чемпионати. "Челси" - "Манчестер сити".
Турнинг - турни олдидан қўрағилди.
03.00 Тримидилан сакраш. Жаҳон кубоги.
04.10 - 05.50 Футбол. Италия чемпионати. "Болонья" -- "Милан".



07.00 07.40 09.10 10.30 14.30 15.30 18.10
19.40 20.35 02.15 9.00к навоилари
07.30 Prime time (9:55)
08.10 Сериял "Ақралисада бирганим"
09.00 Дневник "М&ТВА-2011"
09.40 Сериял "Ховалицше - 13"
11.30 "Темный рыцарь", худ. фильм
14.20 Дневник "М&ТВА-2011"
14.40 "Ақралисада бирганим"
17.30 "Премьер"
18.00 Prime time (9:55)
18.40 Сериял "АЖРА/САКДА БИРАТМИЗ"
19.50 "М&ТВА-2011"
20.00 "Топ-10"
21.10 Сериял "ХРАНЛИЩЕ - 13"
Настоящие информации
22.00 "АМЕЛИ" х/ф
00.20 Миксер
01.30 Сериял "Мыслить как преступник"
03.00 05.00 "Приключения Пауто Нина"


БИРИНЧИ

04.00, 08.05 Телеканал "Доброе утро"
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
08.30 Контрольная закупка
09.00 "Жит лозово"
10.00 Модный приговор
11.27 Т/с "Убойная сила"
12.20 "Участковый детектив"
13.00 Другие новости
13.25 Понять. Простить
14.30 "Хочу знать"
